

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 134 (4593).

8

ИЮЛЬ

ШАНБА

1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда область партия комитетининг секретари Б. А. Абдуразақов «КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларга иқтисодий билим беришни яхшилаш ҳақида»ги қарорини бажариш бўйича область пар-

тия ташкилоти олиб бораётган ишлар тўғрисида» доклад қилди.

Пленум қатнашчилари, шунингдек, область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунскийнинг «Партия ҳужжатларининг алмаштирилиши муносабати билан область партия ташкилотининг ва-

зифалари» ҳақидаги докладини ҳам тингладилар.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Пленум ҳақидаги ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида босилади).

ҲОСИЛДОРЛИКНИ

5,5 ЦЕНТНЕРГА ОШИРАМИЗ

Халқимиз Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг шонли 50 йиллигини меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун зўр гайрат билан меҳнат қилмоқда. Бу соҳада янгидаги меҳнат зафарларини қўлга киритмоқда. Колхозимиз аъзолари ҳам шонли санани меҳнат галабалари билан кутиб олиш учун йил бошидан бери астойдил курашмоқдалар. Ҳозир дастлабки натижалар қўлга киритилди.

Биринчи навбатда колхозимиз шиллакорлари 190 қўти шилла қўти бокби, 10200 ўрнига 13000 килограмм сифатли шилла етиштирдилар. Унинг кўли юқори нави бўлганлиги сабабли пландаги 32 минг ўрнига 52 минг сўз даромад олинди. Колхозимиз 10 минг сўзга яқин соф фойда олди. Ярим йиллик гушт плани ошириб адо этилди, 25 ўрнига 29 тонна гушт сотилди. Чорвадорларимиз йиллик плани август ойида бажаришга ахд қилгандилар. Бултур ҳар сизгирдан 1150 литрдан суг соғилган бўлса, бу йил 1800 литрга етказамиз. План бўйича қорамол 520 бош бўли-

БҲКА РАЙОНИДАГИ «ЛЕНИНИЗМ» КОЛХОЗИ-
НИНГ РАИСИ ИКРОМ ЖҲРАЕВ ҲИҚОЯ ҚИЛАДИ

ши керак, ҳозир 590 бошга етказилди. Аммо, сизгирлар сонини планга нисбатан ҳали кам. Қўйлар сонини планга нисбатан 300 бош кўп. Қўзи олиш плани ҳам ошириб бажарилиди.

Колхозимизда етакчи тармоқ — пахтачилик. Колхозимиз деярли ҳар йили пахта тайёрлаш планини бажариб келмоқда. Бироқ, пахта ҳосилдорлиги соҳасида мақтарли иш қилдик, деб айта олмаيمиз. Бултурги шароитда колхозимиз бўйича ҳар гектар ердан олинган ҳосил 22 центнер бўлди, холос. Бу албатта ўзининг ҳам, бошқаларини ҳам қаноатлантирмайди. Ҳосилдорлигини ошириш учун деҳқончилик маданиятини кўтаришимиз, агротехника тадбирларини қўлай муҳлатларда сифатли ўтказишимиз, техника воситаларидан, суддан ва ердан оқилона фойдаланишимиз керак.

Колхозимизда ана шу талабларга амал қилиб ишлаётган айрим бригада аъзолари пахтадан

юқори ҳосил олишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Рашид Хожиевнинг бошлиқ бригадаси аъзолари бултурги пландаги ҳар гектар ердан 8 центнер кўп, яъни 30 центнердан ҳосил олдидилар. Бу йил шу бригада аъзолари янгиликлар илгор пахтакорлар ташаббусига қўшилиб, гектаридан 40 центнердан ҳосил олишга бел болагандилар.

Абдуғани Исмаев, Ислом Ганиев, Халима Сайфутдинова, Мақом Ханимов, Мамади Норбоев, Турсунбой Пардаев бошлиқ бригада аъзолари ҳам бу йил ҳосилдорлигини пландаги нисбатан 6—7, ҳатто 12 центнергача оширамиз, деб сўз бердилар ва бунинг учун гўза парварлигини кучайтирмоқдалар.

Бизда гўза гуллаб, қўсаклай бошлаган пайтда далага гўнг чиқаришга унча эътибор берилмас эди. Бу йил далага гўнг чиқариш, қолоқ гўзаларини гўнг билан қўшмача озиклантириш ишларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу кунларда Т. Аза-

матов, Р. Ашуров, Н. Билолов, М. Норбоев, Х. Сайфутдинова, Р. Хожиевлар бошлиқ бригадаларда шарбат оқиш ишларини ахтаришга қўл билан гўнг солишди.

Айни кунларда гўзани чаққаб қўймадик, ўз вақтида қондириб сугориш катта аҳамиятга эга. Бизда ўз ишнинг севага ва унга ихлос қўйган Қобил Ханимов, Ислом Жўраев, Сулаймон Қўшқов, Омарбой Шерматов, Санд Норбоев, Ислом Турдиқулов, Барот Эрматов, Али Эшонқулов, Аббос Хожиев, Абдуразақов Раҳимов, Эркин Хамроев сингари суғирлар бор.

Биз илгор бригада, эвено бошлиқлари, меҳнатсевар колхозчилар ва механизаторларнинг ҳимматларига, гайратларига ишониб, бу йил пахта ҳосилдорлигини 26 центнерга етказамиз, пландаги нисбатан ҳосилни 5,5 центнер оширамиз, деб мажбурлан олдик. Бу билан юбилей йилида обастимизнинг 400 минг тонналик хирмонига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламиз.

Н. Тўраев фотолари.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

РЕСПУБЛИКАДА ПИЛЛАЧИЛИКНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ПИЛЛАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шунинг таъкидлашларига, республика пиллакорлари кейинги йилларда янги муваффақиятларга эришдилар. Саккизинчи беш йилликда давлатга планда ташқари 9.548 тонна, 1971 йилда эса 2.200 тоннадан ортиқ пилла сотилди.

Бу йил республика колхозлари ва совхозлари пилла етиштиришда янги муваффақиятларга эришдилар. 20 июнгача 24 минг 700 тоннадан зиёд пилла тайёрланди, бу планга нисбатан 124 процентини ташкил этади. Давлатга қўшимча 4.800 тоннага яқин «кумуш тола» сотилди. Ҳар қўти қўрт уруғидан ўртача 70 килограмм «ёки ўтган йилдан» 10 килограммдан кўп пилла олинди. Ҳам айтишнинг сифати яхшиланди, колхозлар ва совхозларнинг пиллачиликдан оладини даромади кўпайди.

Шу билан бирга айрим колхозлар ва совхозларда пиллачиликнинг самардорлиги ҳали паст, пилла етиштиришда меҳнат паракатлари кўп. Бунинг асосий сабаби шунки, қўрт боқиш тарқоқ ҳолда олиб бориляпти. Пилла қўртнинг колхозчилар ва совхоз ишчиларининг уйларида боқилиши шалаб чинарши жараёнларини механизациялаш ва илгор технологияни жорий этишга ҳалафат берилди. Пиллачиликнинг озуқа базаси сустривоклантирилди. Қатор районлар ва хўжаликларда қишлоқ хўжалигининг бу муҳим соҳасига етарли баҳо берилмапти, пилла ҳосилдорлиги паст бўляпти. Сир-

дарё, Қашқадарё, Сурхондарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг янги ер ўзлаштирилган районларида пиллачилик етарли даражада ривожлантирилмапти.

Районлаштирилган габрид пилла илганининг сифати саноатнинг ўсиб бораётган талабларига тўла жавоб бермапти. Пилла қўрти заводлари ва шиллани дастлабки ишлаш базалари ўз қуввати даражасида ишлатилмапти.

Қишлоқ хўжалик министрлиги, айрим область партия комитетлари ва область иқроия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1970 йил 3 апрелдаги «Пилла етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш ҳақида»ги қарорини қонидириш бажарилипти. Қорақалпоғистон АССР, Фарғона, Сурхондарё ва Тошкент областларида янги уруғлик пиллачилик совхозлари ва кўчати етиштирувчи хўжаликлар ташкил этиш топириги бажариляпти. Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё областларида тут қўчалари ўтқариш планлари аячигина бажарилмай қолди.

Ипак фабрикаларининг қуввати ҳам ашё етиштириш даражасидан орақда қолмоқда.

Қишлоқ хўжалик, Совхозлар, Озиқ-овқат саноати министрликлари ва уларнинг юйлардаги органлари, «Главсредизерсовхозострой» область ва район партия комитет-

лари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район иқроия комитетлари, колхозлар ва совхозлар раҳбарларининг муҳим вазифаларидан бири, дейилди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарориди, яқин йилларда пилла қўрти марказлаштирилган тартибда боқиш учун моддий-техника базаси яратиш, пиллачиликда оғир меҳнат талаб қиладиган жараёнларни механизациялаш, пилла етиштиришни саноат асосида ташкил қилишга кўчати, селекция уруғчилигини яхшилаш, пилла қўрти озуқа базасини янада ривожлантириш, қўрт боқиш агротехникасини тақомиллаштириш, пилла ҳосилдорлигини ошириш ва шу асосда пилла етиштиришни янада кўпайтириш, давлатга пилла сотиш тўғрисидаги беш йиллик янги ширинини ошириб бажаришдан нобарат деб ҳисоблансин.

Қишлоқ хўжалик, совхозлар, озиқ-овқат саноати министрликлари, «Главсредизерсовхозострой» ва колхозларнинг раҳбарларига ҳар йили планларда типовой қўртхоналар қуриш ва пиллачиликдаги оғир ишларни механизациялаш учун механизация воситалари харид қилишни назарда тутиш таъин этилди. Қишлоқ хўжалик министрлигининг пиллачилик Бош бошқармасига типовой қўртхоналар қурилишини лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминлаш топирилди.

(Давоми 2-бетда)

СОВЕТ-СУРИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

6 июлда Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети

Сиёсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кирленко билан Сурия Араб Республикаси партия-хўкумат делегациясига бошлиқ қилётган Араб Социалистик-уйғониш партиясининг бош секретари, Сурия Араб Республикасининг президенти Ҳафиз Асад ўртасида музокаралар бошланди.

Икки томонлама Совет-Сурия муносабатлари, масалалари, турли соҳаларда СССР билан Сурия Араб Республикаси ўр-

тасиди дўстлигини ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш нотижолари, шунингдек ақтуал халқаро проблемалар дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиётида кўриб чиқилди.

Яқин Шарқдаги аҳволат натижа эътибор берилди. Музокаралар давом эттирилди.

(ТАСС).

НАТТА КРЕМЛЬ САРОЙИДА ЗИЁФАТ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳўкумати Араб Социалистик Уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асад бошчилигидаги Сурия Араб Республикаси партия-хўкумат делегацияси шарафига 6 июлда Катта Кремль саройида зиёфат берилди.

Зиёфатда совет томонидан Г. Н. Воронов, В. В. Гришин, А. П. Кирленко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, Ю. В.

Андропов, М. С. Соломенцев ўртоқлар, бошқа расмий кишилар ҳозир бўйдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асад зиёфатда нутқ сўзладилар.

Н. В. Подгорний ва Ҳафиз Асад нутқлари зўр эътибор билан тингиланди ва қарсаклар билан қўтиб олинди.

Зиёфат саминий дўстона вазиётида ўтди. (ТАСС).

ИЛГОР САБЗАВОТ КОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Область партия комитети ва область иқроия комитети районлар, совхозлар ва колхозларда давлатга сабзавот, картошка, ҳўл мева топириш ва сотиш юзасидан бошланган мусобақанинг 1972 йил 1 июлдаги бўлган якунларини кўриб чиқиб, область партия комитети ва область иқроия комитетининг кўчма қизил байроқларини қўйиладиганга бериш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Калинин районининг партия комитетининг секретари М. К. Камоллов, район иқроия комитетининг раиси В. С. Тошхўжаев, район комсомол комитетининг секретари Х. Хамидов, маҳсулотларини сотиб олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифати бўйича бош давлат инспектори Э. Халимов, Район давлатга сабзавот топириш бўйича июнь ойи контрактиция шартномасини асортиментлар бўйича 162 процент, картошка топиришини 440 процент, ҳўл мева топиришини 103 процент бажарган.

Калинин районидида С. Раҳимов номли колхоз (раис вазиёсини бажарувчи Қ. Латипов, партия ташкилотининг секретари ўринбосари Т. Бобоев, бош агроном В. Екубова). Колхоз давлатга сабзавот топириш бўйича июнь ойи контрактиция шартномасини 263 процент, картошка сотишини 360 процент бажарган.

Калинин районидида «Қорасу» совхоз (директори Р. Дадаҳўжаев, партия ташкилотининг секретари А. Екубова, бош агроном Ф. Амихўжаев). Совхоз давлатга сабзавот топириш июнь ойи контрактиция шартномасини 135, картошка сотишини 943 процент бажарган.



БҲКА районидида Мичурин номли, Фрунзе номли колхоз аъзолари июлни ҳосилга-ҳосил қўшиш ойи деб эълон қилиб, далаларда астойдил ишламоқдалар. Суратларда: 1. Мичурин номли колхоз раиси А. Иномов (чапда) бригада бошлиғи И. Эшонқулов ўртоқлар гўзаларини кўздан кечирмоқдалар. 2. Фрунзе номли колхоз суғичилари Ж. Дўстов (чапда) ва А. Адхамов ўртоқлар.

Н. Тўраев фотолари.



Э Р Т А Г А

БАЛИҚЧИЛАР КУНИ

етиштириб бериладиган балиқларга бўлган талаб охири бормоқда. Гап шунданки, балиқлар Тошкент шаҳри ва область аҳолисига тирик ҳолда етказиб бериладилар. Ўтган йили ҳавзалардан тутилган балиқларнинг деярли 80 процентини тирик ҳолда сотилган. Фақат 20 процент балиқ музлатилган ҳолда хариддорларга етказиб берилди. Балиқчилар хўжаликлари меҳнатчилари ишлаб чиқаришда катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Балиқ ҳосили ортиб бормоқда. Агар бундан мамлакат бўйича ҳар гектар ҳавзалардан олинган балиқ «ҳосилдорлиги» 10 цент-

нерга етса Тошкент области бўйича 2018 гектар сув ҳавзаларининг ҳар гектаридан ўртача 20,5 центнердан тирик балиқ олинди.

Балиқчилик хўжаликларида ўз касбияга меҳр қўйган аjoyиб ишлаб чиқариш илгорлари етишиб чиқди. Хўрмат белгиси ордени кавалери бригадир Нигматулла Абдуллин шулар жумласидандир. Унинг бригадаси 40 гектар ҳавзанинг ҳар гектаридан 50 центнердан маҳсулот олди. Учасига бошлиғи Анастасий Мамин Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. СССР балиқчилик саноати муносабатини аълочилиги значогини

ЎЗБЕКИСТОН ССР БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ БОШҚАРМАСИ БОШЛИГИНИНГ ЎРИНБОСАРИ А. СЕРЕБРЯКОВ БИЛАН СУҲБАТ

олишга муяссар бўлган. Балиқчилардан Социалистик Меҳнат Қадармони Михаил Тий, Иттифоқ министрлиги Фахрий Ерланиш олдани Абдул Қўшқов, шу беш йилликнинг «охирига» бориб мавжуд ҳавзаларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини вужудга келтириш, маҳсулдорлигини ошириш

қилмоқдалар. Дамачи балиқчилик хўжалигиндан Носиржон Мамажонов, Ҳамид Анваров, Тошкент балиқчилик хўжалигини «слесарь Сандусом Бигоров ва бўлдозерчи Владимир Хен ва бошқа кўпалар ўртоқлар ҳам балиқ етиштириш ишига муносив ҳисса қўшимоқдалар.

Балиқчилик область халқ қўжалигинда истиқболли тармоқлардан бирига айланиб қолди. Шу беш йилликнинг «охирига» бориб мавжуд ҳавзаларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини вужудга келтириш, маҳсулдорлигини ошириш

ҳисобига бир йилда 49 минг центнер балиқ олиш мўлжалланмоқда.

Балиқ етиштиришни қўйайтириш мақсадига муҳим илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб боришмоқда. Бир неча йиллардан буйи олиб бориладиган бу ишлар балиқ «ҳосилдорлигини» оширишга ердан бериюмда. Бу ишга Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг ихтилология кафедраси ходимлари олиб бормоқдалар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясини олишлари ва бошқа илмий ташкилотлар ҳам бизга катта ердан бериюмдалар.

Шуни қувонч билан айтиш

неракки, хўжаликларда иш жараёнларини механизациялаш даражаси йил сайини ортиб бормоқда. Масалан, Оққўрғон балиқчилик комбинатида деярли барча ишлар механизациялаштирилган. Масалан, балиқларни ҳайдаш ва йиғиб олиш ишлари бетонлаштирилган тўтиқлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Балиқларни юклаш ишлари эса автокранлар ёрдамида бажариляпти. Тирик балиқларни ташини ҳам махсус машиналар ёрдамида бажаришмоқда. Балиқларга ҳар кун озуқаларини етказиб беришда ҳам машиналардан фойдаланилмоқда.

Шундай қилиб областимиз балиқчилари янги марраларни бағъланган. Балиқ ҳавзаларини кенгайтириш, балиқ етиштиришни ошириш, зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун курашмоқдалар.

Тошкент области балиқ маҳсулотлари етказиб беришда республикада йирик ўринлардан бирини эгаллайди. Агар ўтган йили республика бўйича 34 минг центнер балиқ етказиб берилган бўлса бунинг 31,4 минг центнери пойтахт область зиммасига тўғри келди.

Областда балиқчилик билан учта хўжалик шугулланмоқда. Улар хўжалик ҳисобига саноат асосида иш юритадилар. Булар Оққўрғон экспериментал намуна балиқчилик комбинати (директори Т. Ф. Крупнов), «Дамачи» балиқчилик хўжалиги (директори К. Шарипов) ва Тошкент балиқчилик хўжалиги (директори П. П. Буланов) бўлиб ана шу хўжаликларнинг ҳавзаларида сазан, карп, оқ амур, карас, судак ва бошқа хил балиқлар етиштирилмоқда. Бу хўжаликлар томонидан



ОРОМГОҲЛАР ҚҶЙНИДА

Эзги имтиҳонлар тугади. Энди ҳарқанча ўйнаб, дам олаёз арзийди. Сиз суратда кўриб турган ёшлар Тошкент халқ хўжалиги институтининг студентларидир. Улар бўш вақтларини сўлим табиат қўйнида қўвноқ қўшиқ, ўйин кулги билан ўтказишмоқда.

Иссиқ қуилар бошлангич билан Тошкент денгизи дам олувчиларни тобора кўпроқ чорламоқда. Муздак сув, муссоффо ҳаво танимга даво деганларича бор. Қайида тўқилар қўйида олис-олисларга сузиб, ором олади, киши. Денгиз бўйида ҳаваскор сузувчилар ҳам омадларини синашлари мумкин.

М. Нуриддинов фотолари.



ЖАЛБ ЖАВОҲИРИ

(ШЕЪРЛАРГА ОБЗОР)

Шеър — инсон қалбнинг жа-
воҳири. Ҳар бир кишининг қалби-
да эзу ниятлар, олийжаноб ма-
садлар бор, лекин уларни сўз ор-
қали ифодалаш таланти, билими,
меҳнатини талаб этади. Шеъринг
киши қалбнинг маънавий ҳа-
виаси. Шойр Асқад Мухтор «ПО-
ЭЗИЯ» шеърларида ёзгандек:

Сени танидим қалбда сехри
ганж...
Олам гўзаллиги — қалбимнинг
мулки,
Одам гўзаллиги — қалбимнинг
мулки!
Сени танимаган шўрликлар
аянч...

Еш ижодкорлар томонидан ре-
дакцияга йўлланаётган бир талай
шеърлар уларнинг шеърията
масъулият сезиб ёндашганлиги-
ларини кўрсатади, бошқалари эса
поэзияни қуруқ баёнчилик, рито-
рина, эрмак, деб тушуновчилар
борлигини далolat беради. Ке-
йингиларнинг кўпчилигида шеър
туғилишининг оддий қондалари
(қофия, тўроқ), тилининг грамма-
тик нормаларига буткул амал қи-
лмаганлигини кўрамиз. Умбур
парчага эътибор беринг.

Кўзларимда танидим бир (?)
бор,

Мени тўққан онам зорин.
Бу кўзларим унинг йўлида,
Фидо этар тайдани(?) жонин.
Бу банд бекбодлик Р. Маду-
мовнинг «Кўз» шеърини олинди.
Ваъзи ҳаваскорлар дуч келган
нарсани шеърга солишга урини-
шди. Жумладан Ўртағирчилик
Г. Анзоровнинг шеърларига кўшиб
йўллаган мактуби фикримизни
тасдиқлайди:

«Мен икки йилдан буён-ки, қў-
воисам ҳам, ҳафа бўлсам, саяҳат-
га чиқсам, нимакини айтишга қи-
ям шу темада шеър ёзмаман».
«Шеър «ниманики айтишга» бўлса,
ўша ҳафта ёзилган нарсаси эмас.
Шеър — бу воқеа-ҳодисалар, я-
нгиликларнинг шoir қалб призма-
сидаги тўлиқ қозғошга тушибди.

Ҳақиқий поэзия билан оддий
шеърбозликни ажратиб олиш за-
рур. Қофия, тўроқ жойида бўли-
ши ҳам чинакам шеър бўлиши де-
ган гап эмас. Шеърда асосий на-
рсаси тўғрисида таланиш ва сий-
мийликдир. Редакцияга тобора
ётган шеърларда худди ана шулар
етинмайди. Масалан, Тошкентлик
Б. Худобер «Китоб ва Ҳамза»
шеърларида ёзди:

Ахир бир кун пойлаб,
Олдлар ўртага уин.
Қўлларига тош олиб
Ҳамзага отдилар уин.
Бу банд содир бўлган воқеани
қуруқ баён қилиш бўлиб, унда на
самимийлик, на тўғрй бор, ва на
қофияю тўроқ! Яна парчада «қўл-
ларига» сўзи бутунлай ортинча.
Одатда тош фақат қўл билан оти-
лади, шунинг учун буни таъкид-
лашнинг ҳеч бир ҳолати йўқ.
Горький «Ортиқча сўзларни бит
наби қириш керак» деганда шунй
қўлда тугатган эди.

Юқорида айтиб ўтилган камчи-
ликлар тошкентлик Н. Ҳасанов-
нинг «Сўзин», «Шикоят», Ф. Хай-
руллоевнинг «Сўзин кутанган»,
Ж. Тўраевнинг «Чиноз» гўзалли-
га, А. Ҳамидовнинг «Шўх қўла-
рини», «Тўрликлар», М. Колму-
ровнинг «Ҳавас», Б. Худобер-
овнинг «Гул», «Тазийм қил юртин-
га», «Ленин солдатлари», «Сак-
изликлар» ва М. Нуриддиновлар-
нинг «Ўзбекистон», «Керамас»,

сарлавҳали шеърларида ҳам уч-
райди. Шунингдек бекбод-
лик Р. Мадумовнинг «Яхши
қизлар», «Баҳор тоғи», «Май
байрами», олмақизлик К. Норин-
боевнинг «Пўлда», «Тўрликлар»,
«Сатрлар», солдатлар О. Хуш-
саровнинг «Хайкал қаршида» ва
А. Мамавасуловнинг «Тўғилди»,
«Шеър ва ҳаёл», «Ҳол», «Пўл-
га қабр» «Бир жуфт қайин»,
чирчилик К. Шариповнинг «Тўрт-
ликлар, писиклик Ш. Бурхоно-
внинг «Тасодиф», «Мен сенинг
ёхш баҳорин...», оржоникиделик
А. Мухаммадиевнинг «Гул фас-
ли», бекбодлик Т. Кимсанбо-
евнинг «Едгорлик» шеърлари учун
ҳам характерлидир.

Редакцияга келган шеърларнинг
ҳаммасини паст саблили, поэтик
фикрдан маҳрум деб бўлмайди.
Бекбодлик Ш. Нуралиевнинг
«Илҳом етаклади», «Қанот қонди
тилагим», «Ҳиссамини қўшамиз»,
тошкентлик Н. Бобоевнинг
«Гул», «Ёлшаш», солдат А. Абду-
раззоқовнинг «Саккизилик», «Тоғ
эртаси» шеърларида баъзан ки-
шини ўйлантирадиган фикрлар,
образли нооралар учрайди.

Мисол сифатида А. Абдураззо-
қовнинг «Саккизилик» шеърини
келтирамиз:

Бир кўш иуридан бахра
оламиз,
Тешанизда ўша серюлда
осмон.
Нега гўзугулага тушиб қоламиз,
Баъзан беҳудага тўймоқ бўлиб
қон!

Одамлар, айтинлар, аришай
ҳали
Қон ҳиди, оналар қалбидан
олам,
Энди насваса тинган маҳали,
Нега ҳалқонда қайқалар олам?

Бизнингча, шеърни давом этти-
риш, унинг охирида ташланган
сўроқга жавоб бериш зарур.
Шеърда баъшир келмагани учун
қайғурини умумий ҳолда тас-
вирмай, уни даврийнинг кон-
крет воқеалари билан боғлагани
да шеърнинг эмоционал қуввати,
замонавийлиги янада ошган бўлар
эди.

Абдураззоқовнинг «Тоғ эрта-
си» шеърини ҳам диққатга сазовор.
Бир баъзилик келтирамиз:

Тун кўрасини йнғер охишта,
Хилос кўлда гўё нис танга,
Юлдузлар ҳам кўз қисиб аста,
Сингиб кетди мовий осмонга...


Бу парчада еш ижодкор баъий
приём — жонлантиришдан фойда-
ланиб чиройли манзара яратган:
«Юлдузлар ҳам кўз қисиб аста,
сингиб кетди мовий осмонга».
Аммо, бандга «хилос кўлда гўё
нис танга» ўхшатиши нотўғри,
чунки хилос — ақинда чиққан,
ларига» сўзи бутунлай ортинча.

Одатда тош фақат қўл билан оти-
лади, шунинг учун буни таъкид-
лашнинг ҳеч бир ҳолати йўқ.
Горький «Ортиқча сўзларни бит
наби қириш керак» деганда шунй
қўлда тугатган эди.

Юқорида айтиб ўтилган камчи-
ликлар тошкентлик Н. Ҳасанов-
нинг «Сўзин», «Шикоят», Ф. Хай-
руллоевнинг «Сўзин кутанган»,
Ж. Тўраевнинг «Чиноз» гўзалли-
га, А. Ҳамидовнинг «Шўх қўла-
рини», «Тўрликлар», М. Колму-
ровнинг «Ҳавас», Б. Худобер-
овнинг «Гул», «Тазийм қил юртин-
га», «Ленин солдатлари», «Сак-
изликлар» ва М. Нуриддиновлар-
нинг «Ўзбекистон», «Керамас»,

Сувон МЕЛИЕВ.

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.



БИРИНЧИ ПАРТИЯ — 11 ИЮЛДА

Шахмат тоғига даъвогар
америкалик гроемейстер Фи-
шер матча кечикиб келгани
учун жаҳон чемпиони Борис
Спаскийдан ёзма равишда уэр
сўради. Бунгача Халқаро шах-

мат федерациясининг президенти
Макс Эйве матбуот конфе-
ренциясида сўзлаб ўз хатолари-
ни расмий равишда бўйига
олиб, ФИДЕ қондаларини бў-
зганига йўл қўйганини айтган
эди.

Шундай қилиб, совет делега-
циясининг барча талаблари
қондирди. Ана шундан сўнг
6 июль кечкурун Рейкьявикда
матча қўрға ташланди. Борис

Спаский оқ доналар билан
ўйнайдиган бўлди. Уйини 11
июль сешанба кунй бошланади.

ЯНИС ЛУСИСНИНГ ЖАҲОН РЕКОРДИ

Стокгольм стадионидан
халқаро мусобақаларда ишти-
рок этаётган совет спортчилари
Янис Лусис найза отишда я-
нги жаҳон рекордини қўйди. Би-
ринчи уринишдаёқ унинг най-
заси 93 метр 80 сантиметрга
бориб тушди. Фин спортчиле
Йорма Кинуненинг илгариги
рекорди 1 метр 10 сантиметр
орқада қолди.

ОЛИЙ ЛЕҒАДА

Олий лига командалари ўрта-
сидан мусобақаларда иккинчи-
учинчи ўринда бораётган Тби-
лис ва Киев динамочилари
Украина пойтахтида учраш-
ди. Ҳисоб 1:1. Ўйиннинг бири-
чи бўлимида Мунтан 11 метр-
дан штраф зарбасини киритди.
Танаффусдан сўнг Килнани жа-
воб тўли киритди. ЦСКА —
«Локомотив» — 3:2, «Карпа-
ти» — «Нефти» — 2:0, «Зе-
лит» — «Динамо» (Москва) —

1:0, «Днепр» — «Қайрат» — 4:0
ҳисобида тугади.

М. ИСМОИЛОВНИНГ ЯНА БИР МЕДАЛИ

Ўзбекистонлик машҳур ча-
вандоз Маммажон Исмоилов
мамакат чемпионатида бронза
медали билан тақдирланганини
илгари хабар қилган эдик.
Белоруссия пойтахтидан лиз
хушхабар келди. Еш отлар
учун учкураш мусобақасида
ҳамшахримиз чемпионатнинг
иккинчи бронза медалини ҳам
олди.

ЭСКИ ТЎНКА

Катта ариқ бўйидаги тол тағига
қўрилган сўрида икки киши ўти-
рибди. Улар кўк чойни пуфлаб
ичишлар. тағигади ортоб тушмаёт-
ган бўлса ҳам иссиқдан шикоят
қилиб, елнинг қўйишади. Сўз
бетида оқиб келаятган ҳас-хус,
қоғоз, ҳар хил чиқилдиқларни кў-
риб, бурун жийиришар, обихаёт-
га шу хил нарсаларни ташла-
ган кишиларни койиб, тўғиллаб
қўйишарди.

Нариюнда ариқ бўйида бундан
бир неча йиллар кесилган тол
тўнасиға жойлашиб олиб йў-
налиди. У сўз бетида пириллаб
учиб тушмудларини, қанотларини
намойишди. Ўтирганди бу бир си-
қим қўшининг қиллиға маҳдид
бўлиб, ҳаёл суриб кетадилар.

Бир вақтлар мана шу канал
суви зиллоддек қўшин олар, кўрпак
сарй кўрпакчи кесилди. Ариқлар-
да шиддираб оқиб уйлар ёнидан
ўтганда одамлар ундан иришиб
ичар, дарахтларни, экинларини су-
горарди. Ариқ, сувига не етсин.
Ҳаммаёқни яланибди юборди.
Ҳозир ариқ суварига қўл урганй
жирнасансиз. Нима йўқ унинг ичи-
да? Нега сувини бу ҳидда ифлос
қиладилар! Ҳа, дарвоқе, водопро-
вод бор, суви ичига чиқарилган.
Ариқ суви — экинни сугоригиша.

Пўқ, агар ариқ сувиға одамий-
лик билан қарайдиган бўлсан, уни
ҳам ичим мумкин. Мутахассислар
ҳисобига кўра, водопровиддан су-
горилган дарахт қўл йишайди,
ривожки ҳам суст бўлади, меваси-
нинг мазаси ўзгариб кетади, ҳо-
силдорлиги намайди. Демак, да-
рахтларни, ҳовлилардаги экинла-
ридан суви олиб сугориб керак.
Қани ўша суви? Бордию,
ариқдан суви бойласансиз, ҳовли-
ғига кирганда аллақандай қўла-
са ҳид думоққа урилади, ариқ су-
ви шунчалик ифлослашиб кетган.

Тошкентдек шаҳри азиямда ма-
ҳаллалар, хонадонларни таъмин-
лайдиган катта канал бор. Унинг
номи — «Оққўрғон». Шу «Оқ-
қўрғон» навали орқали келган
сув агар расман маъналадидек
тўлиб оқса, ҳамма ёш сува серо-
б бўлади. Давлат, «Оққўрғон» на-
валини қонлайтириш, сувини по-
кино сақлаш, юзасидан нимакини
зарур бўлса, ҳаммасини амалга
оширишда. Каналини кенгайти-
риш, зарур жойларни бетонлашти-
риш, қурувлар қўшиб, катта био-
лар тағидан ўтказиб юбориш маъ-
садида керакли маблагларни аж-
ратган. Лекин шу маблаглардан
фойдаланиш кўнгидагидекми?

Афсуски, йўқ. Канал суви бор-
ган сари камайиб кетмоқда. Чун-
ки, у бир неча йилдан бери то-
заланиш, тозаланса ҳам қўл учи-
да тозаланаётгани учун сув ўтқа-

зиш қуввати тобора қисқариб бор-
моқда.

1966 йилда «Ўзбексельмаш» за-
води ақиндан «Оққўрғон» кана-
ли орқали секундига 1200 литр
сув ўтган бўлса, ҳозирги пайтда
унинг учдан бир қисми ҳам қол-
гани йўқ. Қанча-қанча гаплардан
кейин 1970 йилда навалини қайта
қуриш, четларини мустаҳкамлаш,
лойкаларни тозалашга киришил-
ган. Бу ишга 630 минг сўм аж-
ратилган эди. Ҳозиргача ҳам на-
валининг сув ўтказиш қуввати та-
лаб даражасида эмас. Пул сарф-
лашти-ю, натижаси кўринмапти.

Қайта реконструкция қилиш
ишларининг бориши ҳам антиқа.
Ремонт қилиш ишларига Алекс-
ей Тимофеевич Баходдин раҳбар-
лик қилади. У ақтиндан иш тепа-
сида намдан-кам бўлса керак.
Бўлмаса шунй кўрарди: Уч-тўрт
киши бир машина бетойни канал
киргонига тушириб олиб, эртадан
кечгача «ермак» қилади.

ФЕЛЬЕТОН

Шаҳарини сув билан таъминлай-
диган «Оққўрғон» навали ҳақида
тағирларимизда балки, кўз ол-
динига ўйлаб километр чўзилди
кетган сув манбалари келгандир.
Бундай эмас. навалининг узунлиги,
майда тармоқларини қўшиб ҳисоб-
лаганда, тўққиз километрга бо-
майди. Шу тўққиз километрни
каналини кенгайтириб, қирғоқлари-
ни бетонлаштириш устида шунча-
лик қўл гап бўлганки, агар шу
гаплар ёзилган қоғозлар бир-бири-
га уланса каналдан бир неча мар-
та ўзун бўлади. Қоғозлар ёзилган
га, тағирларларнинг, бошқаларни
эса, «мана эди топириқини бериб
қўйди, сув равон оқаверади» деб
хотиржам бўлмоқдалар. «Аслида
улар темир-бетон қувурлар, ариқ-
лар паст-баланд ўрнатилаётгани,
бир ерда сув сизмагани ҳолда,
иккинчи жойда кўчаларга сув то-
шиб ётганидан бехотабарлар. Чу-
нончи, лойиқа бўйича темир-бетон
тарновлар ўрнатиш Обсерватория
территориясида каналнинг эски
ўзанига нисбатан 80 сантиметр
паст қилиб қуриш қўлда тутилган
эди. Иш шу айлда бажарилгани
учун Астрономия ва Обсерватория
қўчалари сув оладиган қисми
анча бўлди қўлиб, бу кўчаларда
ариқларга бир култум ҳам сув
қиқмайди. Каналининг Уриқини қў-
часи билан Виктор Малисов кўча-
ларига ўтадиган қисмида темир-
бетон тарновлари лойиқадаги
қараганда 40 сантиметр паст ў-
рнатиб қўйилган. Бордию, 700

литр сув ўтказиш имкониятига эга
бўлган тарновга тенг ярмидан ҳам
оз 300 литр сув қўйиладиган бўл-
са, «Ўрғон» кондирте фабрикаси
кейдек сузиши ҳеч гап эмас.

Қанчалар қуриш ва каналини
реконструкция қилишда жиддий
камчиликларга йўл қўйилганлиги
шу каналдан сув оладиган район
ташкilotларини раът ранжитмоқ-
да.

Тошкент шаҳар Совети ижроия
комитети ободонлаштириш бош
бошқармасига қарашли ирригация
ва гидротехника ишхотлари
трести (трестнинг номига эътибор
бериш, Оққўрғон каналдан ҳам
узун) унинг бошқармасини Мах-
муд Зокиров, бош ижасери Иван
Михайлович Гинюмовов ўрғотлар
парвоий-палак, Варийбўйимиз бу
каналдан сув олмаганимиздан ке-
йин яқон битса, ботида-да, деб
юрбидилар. Улар чала-чўлла ба-
жарилган ишларни ҳаспўлаб, ма-
на каналини битказди», деб уни
фойдаланиш учун Али Умаров
бошлиқ сугорич бошқармасига
топишардилар. Бу бошқарма эса
ўз наватига район ирригация бў-
лимларига ўтказди. Гўё ҳамма
жойда сув равон оқаятганга ўх-
шайди. Бу гапларга ишонманг: сув
фақат қоғоз бетида равон оқаяпти.
Шаҳардаги ариқларнинг қўли
ҳали ҳам қуриб-қақшаб ётипти.
Ҳамма экинни, дарахтнинг хлор
солдиган водопровод сувида сугор-
липти. Ҳарқалай экинлар сув ича-
липти, лекин юқори қаватда яшаёт-
ганлар сувсиз қолишяпти. Бун-
гиси нима дейсиз?

Талли канал қирғоғидаги эски
тўнадан бошладик. «Оққўрғон»
каналини кенгайтириш, бетонлаш-
тириш, тармоқларини темир-бетон
тарновлари билан қайта қуриш
ишларининг чўзиллиси худди ўша
эски тўнага ўхшайди. Тонинг
эски тўнаси сув шимми қандай
бўлса шундайлигича бир неча
йилдан бери қирғоқни хира қилиб
ётипти. Агар шу эски тўна қўчи-
рилиб, қирғоқ ундан ҳоли қилин-
са, балки иш юришиб кетармиди?
Яна билиб бўлмайди, тол соянда
ёношлаб ўтирган ҳалиги биро-
длар шун эски тўнага жойлаш-
иб келиб қўйишсини, унинг олди-
да қанотларини пирпиратиб, учиб
ўйнашсини, бир лаҳза бўлса ҳам
роҳат қилишларини ўйлаб, ўша
эски тўнаки қўчиртирмаётганга
ўхшайдилар.

Бизнингча, «Оққўрғон» канали
сувининг соф ва равон оқиши, хо-
надоларимизда экин ва дарахт-
ларнинг иришиб сув ичишини
қўллаб, амалий зора белгиланса,
кўпчилигининг ташаккурига сазо-
вор бўлилар эди.

А. МИРЗААХМЕДОВ.

ПРОКАТ ПУНКТИ ОЧИЛДИ

Чорвоқ суи омборининг со-
ҳилда ҳозир ўйлаб кенг палат-
калар пайдо бўлди. Уларнинг
ҳар бири бир онлаға муҳалла-
ланган бўлиб, гўшак-йиғма кро-
вать кўча газ плитаси, стол ва
стул, радиоприйимка эга. Ана
шу комплекти Тошкент «Сер-
вис» фирмасининг бу ерда
очилган прокат пунктидан олиш
мумкин. Комплектидан бир ой
фойдаланиш ҳақи 49 сўм тура-
ди. Ана озгина ҳақ тўланса, ана

шу прокат пункти идиш-товоқ,
моторли ёки эшакли қайиқ,
отпусқа вақтида зарур бўлади-
ган ҳар қандай бошқа буюм-
ларин беради.

«Сервис» фирмаси шаҳарлик-
ларнинг ёзги дам олиши ҳақи-
дага ғамхўрлигини ўз зиммасига
олиб, бу йил ўзининг прокат
пунктларидан имкониятларини
бир муча кенгайтди. Фирма
дам олувчилар учун ўз юзта
оилавий палатка, шунча миқ-

дорда қўрпа-тўшак, газ плита,
ошхона идиш-товоқлар, тран-
спорти радиоприйимликлар сотиб
олди. Тўрт юзта резина қайиқ
дам олувчилар ихтиёрига бе-
рилган.

Чорвоқ кетидан Тошкент де-
нгида ҳам «Сервис» фирмаси-
нинг прокат пункти ишлаб бо-
лади.

(ЎЗАТ).

ТАВР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-
ЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ.
ДА — Новосибирск Давлат акаде-
мик опера ва балет театрининг
гастроллари, 8/VI д. Манон Лес-
ко, 9/VI д. Париж алангаси.

МУКИМИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-
ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —
Анхидон область. Ўзбек Давлат
музикали драма ва комедия те-
атрининг гастроллари, 8/VI д.
Ҳолисон (кундуз соат 2 да), Ки-

ТАВР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-
ЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ.
ДА — Новосибирск Давлат акаде-
мик опера ва балет театрининг
гастроллари, 8/VI д. Манон Лес-
ко, 9/VI д. Париж алангаси.

МУКИМИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-
ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —
Анхидон область. Ўзбек Давлат
музикали драма ва комедия те-
атрининг гастроллари, 8/VI д.
Ҳолисон (кундуз соат 2 да), Ки-

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

(ТАШ-
КЕНТСКАЯ ПРАВДА) — орган Таш-
кентского обкома КП Ўзбекистана,
областного Совета депутатов труда,

Бизнинг адрес:

Тошкент, «Правда Вос-
тока» кўчаси, 26-йи.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495. Редактор ўринбосар-
лари — 837885, 837916. Маъсўл секретари — 834808. Пропаганда, адабиёт
ва санъат бўлими — 831936. Санъат, транспорт ва курилиш бўлими —
833786. Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлими — 835811. Ки-
но, кўнаглиги, фан, мактаб ва олий ўқув юрталари бўлими — 839050.
Совет курилиши, маънавий хизмат ва шаҳар хўнаглиги бўлими — 837045,
халтар ва оммавий ишлар бўлими — 834045. Эълонлар бўлими — 838142.
Коммутиатор — 830249 дан 830259 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг бас-
маҳонаси, Тошкент шаҳри.